

## Ҳадисга риоя ва намоздаги хушуъ ва ҳузуъ



08:00 / 04.02.2021 1399

Маймуна ибн Маҳдий айтади: «Муҳаммад ибн Сийрин шеър ўқиганда бирор нарсани эслаб, куларди. Лекин суннатдан бирон ҳадис келса, жиддий бўлар эди».

Намоздаги хушуъ ва ҳузуъ

Ҳабиб ибн Шаҳид айтади: «Муслим ибн Яссор намоз ўқиётган эди, ёнида олов ёна бошлади. Лекин у олов ўчгунича буни сезмади».

Авн ибн Мусо айтади: «Мусо ибн Ясир масжидда намоз ўқиётган эди, олдидаги девор қулаб тушди, лекин у ҳеч нарсани сезмади».

**«Солиҳлар гулшани» китобидан**